

**Рамз БОБОЖОН,**
***Ўзбекистон халқ шоири***

## МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ

*Жигарим Абдуфаттоҳга*

**Менинг ватаним, бу — менинг маҳаллам,**
**Онамдан бешикда эшитган аллам,**
**Йигитлик тонгида янграган яллам,**
**Кўз очиб кўрганим , ишончли қалъам —**
**Менинг маҳаллам, бу, менинг маҳаллам!**

**Қани, сиз, азизлар, маҳалладошлар,**
**Хотин-халаж, эркак, кексаю ёшлар,**
**Менинг келажагим, эй қалам қошлар!..**
**Дўстлик қўрғонига отмангиз тошлар,**
**Менинг маҳаллам, бу, менинг маҳаллам!**

**Ватан остонаси маҳалла-кўйдан,**
**Саъйи саховати тўёна, тўйдан,**
**Боғлардан таралган уфори бўйдан,**
**Файзу фароғатли меҳмондўст уйдан...**
**Менинг маҳаллам, бу, менинг маҳаллам**

**Тонготар интиқиб эшик очаман,**
**Ёмондан ўзимни олиб қочаман,**
**Яхшига меҳримни қувнаб сочаман,**
**Кимгадир  амаки, кимга поччаман,**
**Менинг маҳаллам, бу, менинг маҳаллам!**

**Менинг маҳалламни кўрмаган борми,**
**Орзу қилиб, хаёл сурмаган борми,**
**Соя-салқинида юрмаган борми,**
**Ёқиб  қолса, бир уй қурмаган борми?**
**Менинг маҳаллам, бу, менинг маҳаллам!**

## МАНЗАРА

**Нурни ҳовучлагим келади баъзан**
**Болалигим тутган кезлари...**
**Дарахтлардан пирпирар хазон,**
**Ҳақиқ юзлари...**

**Шамол эсар тўзғитиб тўзон,**
**Киприкларда чанг...**
**Йўл-йўлакай учади мезон**
**Сувлар маллаauthor...**

**Турналар арғимчоқ солиб ўтади,**
**Булбул қанот қоқар жанубга.**
**Юмрон ерни қазлаб, тупроқ ютади,**
**Таажжуб! Ўзини олади тубга...**

**Далалардан қайтади карвон,**
**Ортиб-ортиб мўл-кўл ҳосилни.**
**Тоғ бошида қолган муз ҳайрон**
**Англай олмай ушбу фаслни...**

**Куз десанг, эй кўнгил, боғларда гул кўп —**
**Сариқ, қизил, оқ....**
**Гулхан даврасида ёш-яланг тўп-тўп,**
**Муҳаббат уйғоқ.**

## НАЙЛАЙ

**Мунофиқ юзланса, ғафлат босмасин!**
**Алданма, азизим! Қалтис, бу, синоқ...**
**Кўкка кўтаргандай сени осмасин!**
**Мабодо осганда кимгадир сиртмоқ?!**
**Кимгадир пошнангдан тўкилган тупроқ?!**

**Мунофиқ алдаса, алданма, жоним!**
**Менинг алданганим етмасми ўзи?**
**Ким билсин, ҳозир ҳам, балки, меҳмоним?**
**Наҳотки, татиса саховат тузи?!**
**Наҳотки, чидаса одамнинг юзи?!**

**«Одам бўлиш қийин!», деганда биров,**
**Биров деган эди: «Баримиз дўст-ёр!»**
**Бошқа биров эса, деганда: «Ёв!»**
**Ҳайратга тушганим хотирамда бор,**
**Найлай! Энди иқрорман, иқрор!..**

***Гулчеҳра НУР***

## ШЕЪР СИЙЛАГАН КУН



**Чақмоқдай шиддат-ла келиб кетдингиз,**
**Кўксимга кўк байроқ илиб кетдингиз,**
**Мени мажнуншиор қилиб кетдингиз,**
**Туғёнли кунларим.**

**Бўлиб қолдингиз-ку юрагимда ишқ,**
**Ҳаётимда маъно, тилимда қўшиқ,**
**Гар бўлсам, биргина сизга мен ошиқ,**
**Армонли кунларим.**

**Хаёлимдан сира қўймаслигим бор,**
**Қайтарсиз, барибир тўймаслигим бор,**
**Сизни суймасларни суймаслигим бор,**
**Достонли кунларим,**
**Армонли кунларим,**
**Туғёнли кунларим...**

***

**О, у фасл — ҳаётингнинг тожли дамлари:**
**Муҳаббатга жориялик, унга бекалик,**
**Қувғин бўлиб юракларнинг кўсту камлари,**
**Сенга насиб афсонавий шодлик, эркалик.**

**Гўё энди туғилгандай туярсан ўзни,**
**Гўё олам сен мисоли ўн саккиз ёшли.**
**Бахт қўлида турган каби ҳаётинг изми,**
**Йўлинг ёруғ, қаддинг баланд, умринг қуёшли...**

**Кейин эса... баҳор қайтар, эвоҳ, қайтмас ул.**
**О, у фасл — ширин тушлар, фирдавсларга хос...**
**Қолган умр — у фаслнинг ёди-ла машғул,**
**Қолган умр — унинг хира шуъласи, холос...**

***

**Мен сизга ёқардим, эшитмасданоқ**
**Айтар сўзларингиз бажара берсам,**
**Кўнглимда не шаҳар, не овул, не боғ,**
**Хоҳиш-майлингизга ижара берсам...**

**Мен сизга ёқардим, юрсам мабодо**
**Елдан ҳам беовоз, майсадан ҳам паст.**
**Мадҳия-раъйингиз бўлиб муддао,**
**Сарказ кимсаларга тикласам қафас...**

**Мен сизга ёқардим, алмаштирсам гар**
**Чаққон елпатакка ҳайронангизни.**
**Бадбўй кўчангизни билсам муаттар,**
**Қаср деб кўрсатсам вайронангизни...**

**Шунда бўлар эди йўлларим текис,**
**Фароғат — харидор, омадлар — жазман...**
**Эвоҳки, эвоҳки, эвоҳ, уқувсиз —**
**Мен сизга ёқишни эплай олмасман...**

***

**Биз томонда баҳорлар қисқа,**
**Ёз кунлари узундан-узун.**
**Етишсин, деб ҳар кимса ризққа,**
**Тонг ҳам зумда очади кўзин.**

**Тингла, юрак, теграңгда тўп-тўп**
**Хониш қилар майна-ю қумри.**
**Юзинг босиб, майсаларни ўп,**
**Ахир қисқа баҳорлар умри...**

***

**Даст кўтарди андуҳлар юкин,**
**Ғам тошлари кўксимда кукун,**
**Пардай енгил тортдим ногоҳда, —**
**Бугун мени шеър сийлаган кун.**

**Худбин, кибор ёвларим йўқдир,**
**Бор бўлса ҳам довларим йўқдир,**
**Қуёш билан эркалар тақдир, —**
**Бугун мени шеър сийлаган кун.**

**Берган бўлсин кимлар қанча ранж,**
**Тутмоққа шай юрак жону ганж,**
**Бўлгим келар ҳаммага юпанч, —**
**Бугун мени шеър сийлаган кун.**

**Ойна мендан гул чеҳра излар,**
**Сочлар тўзғин, пойма-пой сўзлар,**
**Юзим ҳорғин, киртайган кўзлар, —**
**Бугун мени шеър сийлаган кун.**

## ҚОРАҚУМДА ЁНГАН ГУЛХАН

***Шойим БЎТАЕВ***



Қадим Хоразм воҳасига илк бор қадам қўйган ҳар қандай киши аввало уч нарсани — Хива шаҳридаги қадим обидаларни, Амударёни кейин эса... Қорақум саҳросини, албатта, кўриши, зиёрат қилиши лозим экан.

Хоразмда бир удум бор.

Бирор эшик, дарвоза оғзида ўз-ўзингизча бўлсин-да, ҳардамхаёллик-ла бўлсин-да, бир зум тўхтаб қолганингизни хонадон соҳиблари пайқашса, дарҳол ичкаридан бир даста нон кўтариб чиқишади. Ва кўнгилни гавҳар сўзлар-ла манзират қилишади:

— Насиба олинг, ёшулли...

Айтинг, айтинг: сизнинг номингизни, кимлигингизни сўраб ҳам ўтирмай насиба олишга ундаган халқ қалбида қандай улкан ва тиниқ дарёлар оқиб ётибдийкин?!

Хивада, Калта Минор қаршисида ҳайратдан лол қотиб турардим. Хаёлимни ҳамроҳим — Хоразмда буюк ўтмишдошларининг савобли, хайрли ишларини изчил давом эттираётган таниқли ёзувчи Эркин Самандарнинг овози бўлди:

— Буни Муҳаммад Аминхон қурдирган. Қаранг-а, у баланд бир минора қурдириб, ўшанинг тепасига чиқиб Бухорони кўрмоқчи бўлган экан. Қурилиш бошланган. Уста йигитни шоҳнинг қизи яхши кўриб қолибди. Бу кўпчиликка аён бўлибди. Шунда «минора қуриб битказилса, шоҳ устани қатл қилдирармиш» деган гап тарқалибди. Бу уста йигитнинг ҳам қулоғига етиб борибди ва у ўзига қанот ясаб, учиб кетибди. Шушу минора  битмай, чала қолибди. Калта Минора номини олибди.

Бу бир ривоят. Унинг замирида қанчалик ҳақиқат борлиги ноаён. Аммо, устанинг ўзига қанот ясаб учиб кетганлиги бари-бир мароқли: агар, болалик тасаввуримизни ишга солсак, бунда ниятига етолмай пастда лолу ҳайрон қолган шоҳни-ю, осмонда булутларга ёндош учиб кетаётган устани кўрамиз. Бу ривоятда халқнинг орзу-умидлари мужассамлашганига ҳам гувоҳ бўламиз; бунда касб-ҳунарнинг ҳар қандай оламгирликдан устун қўйилишини англаймиз. Зеро, ҳазрат Алишер Навоий ҳам «Насойимул муҳаббат»да демишлар: «Ҳар ойина (косиб Оллоҳнинг дўсти) мазмуни била кибори машойих баъзи санъатларга иштиғол қилиб турлар».

— Агар шоҳнинг ёнида бирор бамаънироқ вазири бўлганида эди, — дея қўшимча қилдилар Эркин ака бироз маъюслик билан. — Шоҳга агар Бухорони кўрмоқчи бўлсангиз, ислом дини маркази ҳисобланмиш улуғ диёр олимларининг ёзган китобларини ўқинг, шунда Сизга минора устидан туриб томоша қилгандан кўра кўпроқ нарсалар аниқравшан кўринади, дея маслаҳат берган бўлармиди?

Шаҳарларнинг ҳам одамларники сингари зоҳир ва ботин қиёфалари бўлади. Кишиларнинг ташқи кўринишлари, айниқса, илк марта кўзга ташланганда ҳали маъно-моҳиятидан ҳеч вақони англатмаганидек; шаҳарларни, айниқса Бухоро ва Хива сингари шаҳарларни шунчаки томошалаш, ўтмиш обидаларига шунчаки ағрайиб қараш ҳам ҳали ҳеч нарсани билдирмайди.

Аксинча бўлса-чи?

Уларнинг ботин қиёфаларига назар солсак-чи?

Ҳар ғиштда, ҳар бўлак тошда мозий сас-садоларни жимгина сукутда, сукутда жимгина тинглаймиз: замонлар силсиласини бир мунавварлик секин-аста кўз олдимизга келтириб қўяди. Ўтмиш аталмиш Қуёшдан мўл-кўл шуълалар тўкилади, тўкилаверади: кунларимизни, ойларимизни чароғон этади. Қаерлардадир, балки қалбимизнинг узоқ ва узоқларида отлар дупурини илғаймиз, улуғлар сиймосига дош беролмай энтикамиз;  бари-бари узоқ ва узоқларда, бари-бари жуда яқин, жудаям яқин.

Хивада юрганингизда ўзингизни  вақт машинасига ўтириб, ўтмишга бориб қолгандай ҳис этасиз.

— Бу ерда тунда, айниқса, тўлин ой чиқиб турганда сайр этиш мароқли, — дейди Огаҳий номидаги Хоразм вилояти театрининг директори, драматург ва шоир Комил Аваз. — Тош ётқизилган кўчаларда ҳар оёқ босганингизда бутун шаҳар ларзага келгандай туюлади. Оёқ товушларингиз ўзингизга нотанишдай. Елкангиздан улкан бир салобат босиб турганлигини ҳар сония ҳис этасиз.

Ой сутдай тошади, долғаланади, шуълаларини ҳовуч-ҳовуч тўкади.

Қайноқ нурлар тош майдонларда чарсиллайчарсиллай синади.

Майин нурлар улкан мақбаралар, миноралар бағрига сингади.

Хива ойдай тошади, Хива нурланади, Хива ойдай шуъла сочади.

Ва бирдан англайман:

**Мен узоқ яшадим —**
**жудаям узоқ**
**тепамда қоронғи осмон**
**остимда қоронғи замин**
**Фурсат ўрамини фарқламай сира**
**макон ўрамини фарқламай сира —**
**яшайвердим мен.**
**Билмасдан надир дўст**
**надир қаёшим**
**қотган қонларимдан**
**минг битта тирноғим тўкилди —**
**Заққум дарахтининг томирларидай.**
**Уваланган сочларим — заъфарон япроқ.**
**Етти рангнинг хотираси ўчиб кетди қорачўғимдан.**
**Етти рангнинг ҳиди хотир кўзгусидан ўчдилар бир-бир.**
**Ҳид ёди...**
**Дунё рангсиз қолди**
**туссиз тусда товланди дунё —**
**яшайвердим мен.**
**Юрагимнинг эрки —**
**чўл бодининг сарсари саргардонлигида**
**Энг қоронғу кунжида... кетди!**
**Юрагимнинг севгиси —**
**ажиб савту садо... кетаверди!**
**Эрку севгим тобутининг ёриқларидан —**
**увлаб-увлаб термулади ой.**
**Хива - ҳаяжонга йўғрилган маъво.**
**Хива — туйғулар шаҳри.**

Хивада  илк даъфа кезаётган киши кўнглидан ой нурида товланаётган ранглар каби турфа туйғулар кечаркан. Улкан тарихий ёдгорликлар теварак-атрофига сочилган ҳовлиларнинг дарвозаларидан чиққан одамларнинг юз-кўзларида ҳамиша интиҳосиз ғурур, ифтихор шуълалари барқ уриб турадн.

**Хива ўзи бир дунё.**

**Хива — мўъжиза.**

Дунё кўз ўнгингизда ана шундай мўъжиза шаклида эврила бориб ташлаган одимингиз остидаги замин залворини,  муқаддас руҳини ҳис этиб турсангиз, бу туйғу-ла шунчалик қадрдонлашасизки, беихтиёр юрт меҳрини, Ватан қадрини, аждодлар ёдининг табарруклигини англайсиз.

Дарвоқе...

«Лафзи одам араб тили турур, — деб ёзади Абулғозий Баҳодирхон «Шажараи турк»да. — Ернинг қиртишини (яъни, устки қисмини) одим дер. Азроил турфоқни ернинг ичидан олмади, тақи қиртишиндан олиб эрди, анинг учун Одам тедилар, лақаби Сафийоллоҳ турур».

**Тупроқ — тақдир.**

**Тупроқ — Ватан.**

Хивада одамлар заминга мусти мустаҳкам қадалган томирларини қаёққача етганини шундоққина кўриб-билиб яшашади. Бир девор нарида асрлар силсиласидан сўйлагувчи қадимий шаҳар, бу ёқда бу силсиланинг минглаб занжирларидаги сўнгги халққа бўлиб турганлар.

Шу боис, айниқса, тун чоғларида ана шу ҳовлилардаги катта-ю кичик бир девор наридаги шаҳарга беихтиёр талпиниб, қулоқларини ўша ёққа тикиб ётишади: зора-зора таниш-таниш қадам товушларини эшитиб қолсам, зора-зора таниш-таниш оҳангларни илғасам дея илҳақ бўлишади.

Аммо, буюк боболар ўз хилхоналарида абадий ором оғушида. Чамаси, улар беҳуда адоватлар туфайли  чопишлару урушлардан, зар либосларда тош кўчаларни тўлдириб  савлат тўкиб юришлардан ҳам кўра муҳимроқ нарсалар ҳақида ўй суриб кетишганга ўхшашади.

Нега ўй суришмасин?

Бу қалъа ичинда ва ташинда не-не ёвқурларнинг, бўйсунмасларнинг бошлари танларидан жудо этилмади? Ўғил отани, ака укани мувaққат бир маснад учун не-не куйларга солмади? Тахти равонларни ҳам, шаҳарларниям аллақачонлар тарк этиб кетишган тиниб-тинчимаслар, оламгирлик дағдағасидагилар, томирлари бир-бирларига пайваст бўла туриб ўз ришталарига тиғ санчганлар тақдир тақозоси-ла қайта пайдо қилиб бўшаб қолган тош кўчаларга қўйиб юборилса не бўларди? Улар ўз жоҳилликлари-ю разолатлари, тахт эгаси бўла туриб тариқдай ҳимматли бўлолмаганлари учун хун-хун йиғлармидилар?

Қозиси муттаҳам уламоси тамагир,  мансабдори ришвагир, фуқароси нотавон, шоири иккиюзламачи бўлгани учун надоматлар чекишармиди? Маърифат соҳиблари, азиз-авлиёлар, аҳли китоб хору зор; тужжору солиқчиси, миршабу қозиси, ҳокиму вузароси яктан бўлиб мамлакатни неча бор сотганликлари, аҳли раиятни тинимсиз талаганликлари учун афсуслар чекишармиди? Ёинки кўнгилчан Арабмуҳаммадхоннинг кўзларига ўғиллари боз мил тортармидилар, ёинки бетимсол Абдулғози Баҳодирхон туққанлари дастидан боз бегона остоналар ортида сарғайиб, саргардон кезармиди?

**Кечмиш — сабоқ.**

**Кечмиш — томиримизда оқиб ётган қон.**

**Биз уни ҳеч вақт унутмаймиз.**

Шерғозихон мадрасасидаги туркман халқининг буюк шоири Маҳтумқули, қорақалпоқ шоири Ажиниёзлар умргузаронлик қилишган ҳужралари ҳам кўнгилда ажиб ҳис-туйғулар уйғотади. Тору танг ҳужралар деворларини бармоқларингиз билан оҳиста-оҳиста пайпаслайсиз; бунда Сиз кўнгиллари ишқу туғёнларга тўлиқ шоирларнинг ўтли нигоҳлари изларини топишга уринасиз.

Қайда?

Деворлар оқланган, ўтли кўзларнинг изларигина эмас, ўзлари-да тупроққа дўнган. Бироқ, тор ҳужраларда ёнган кўнгиллардан туташган ўтлар ўзга юракларни-да, ёқиб, кенг масканларда ҳамон-ҳамон ловулламоқда.

Хивада Маҳтумқулига ҳайкал қўйилди.

Бу, ўзбек ва туркман халқларининг шоирга бўлган буюк эҳтиромларининг белгиси сифатида қад кўтарди.

Бу ҳайкал қони қонига, жони жонига, замини заминига туташ икки халқнинг азалий бирлиги, ажралмаслиги рамзи бўлиб, шоир тимсолида кўринди.

Уз сўзида бутун, эътиқодида собит шоирнинг қалб булоғидан ушбу сатрлар қайта-қайта қуйилаётгандай:

**Доно бўлсанг, мискинларни унутма,**
**Афзал бўлсанг, номардларга бош тутма.**
**Эрк истасанг, гўзал достонинг сотма,**
**Элингга бахш айлаб ўтгил, Фироғий!**

Огаҳий боғининг ўртасига қурилган шоир уймузейи бир гулшан маскан бўлибди.

— У вақтларда Эркин ака обкомнинг мафкура котиби эдилар, — деди Огаҳий жамоа хўжалиги раиси Отаназар Пирназаров Эркин Самандарга айтаверайми дегандек қия қараб қўйиб, шу тариқа ўзининг қандайдир гуноҳини очиб қўйишдан қўрқаётгандек бироз қизариб. — Пахта сиёсати қаттиқ эди, Эркин ака Огаҳий тути борлигини билиб қолиб, келдилар. Тутни авайлаб-асранглар, шоирдан қолган бу ёдгорликни кўпайтирамиз, музей қиламиз, боғ яратамиз, дедилар. Индамадим. Эртаси куни бу таклифни райкомнинг биринчи котибига етказувдим, у жаҳл қилди, райкомда мен хўжайинми, Эркин Самандарми, тутни қўпориб ташлаб, пахта экаверинглар, йўл бўйларида кекса тутлар кўп, бирортасига «Бу Огаҳий тути, фалон йили экkан» деб ёзилган тахтача осиб қўйинглар, ким билиб ўтирибди, деди кескин қилиб. Район хўжайинининг сўзини икки қилиб буладими? Аммо, кўнглим идеология котибининг таклифини жон-жон деб қувватлаб турарди. Шу орада Эркин ака обкомнинг ўша пайтдаги биринчи котиби Мирқосимов билан келдилару, ҳамма масала ўз-ўзидан, осонликча ҳал бўлди, район хўжайиниям индолмай қолди. Музейни ҳашар йўли билан қурдик. Ҳашарда вилоятнинг биринчи котибиям пастдан пахсакашларга лой отиб турди. Юрт ўз шоирини яхши кўраркан: етти яшардан етмиш яшаргача бир тану бир жон бўлиб боғни барпо этишга қатнашдилар. Огаҳий ва Муниснинг қабрларини топдик. Қаровсизликдан бу қабрлар ҳам чўкиб ётган экан. Иккаласининг тобутларини ёнма-ён қўйиб, мақбара қурдирдик. Ҳали қабристондаям қиладиган ишлар кўп.

Биз Огаҳий ва Муниснинг қабрларини зиёрат қилдик. Кўнглимиз равшан бўлди. Қаро тупроқда шоҳу гадо, мискину такаббур, Қоруну қашшоқ, паҳлавону мажруҳ — бари бирдек, қаро тупроқда уларнинг ажрими билинмас. Лекин, шу заминдан яралмиш вужуд кўксидаги қуёшдан таралган қуюқ шуълалар, мунавварлик узоқ-узоқ кентларга етгани, қоронғи пучмоқларни ёриттани фикримиздан ўтди.

Сўз мангудир.

Абадият тоғлари кунфаякун бўлиб, замин тўзонга дўнса-да, сўз яшаяжак ва заминини-да, тоғларини-да такрор барпо этажак, такрор яратажак.

Қорақумда қум барханлари оралаб икков-икков кетдик.

Саҳронинг ҳар хил хуш исли ўт-ўланлари қоплаб ётган тепачаларни барханлар деб аташгаям тил бормайди.

Узимча сифатлардим: муаттар тепачалар.

Комил Аваз саҳро сирларидан, ўт-ўланлар табиатидан хабардор экан, баъзиларини айтиб берди.

— Кўряпсизми, барханлар бир-бирларига худди ака-укалардек ўхшаб кетишади, — деди у теварак-атрофдаги муаттар тепачаларга ишора қилиб. — Шунинг учун сал ичкариладингми, саҳрода йўлни адаштиришинг, бир жойда айланаверишинг, йўқолиб қолишинг ҳеч гапмас. Шундай маҳалда энг аввало совуққон бўлиш керак. Бир бошда бир ўлим, ҳамиша бор гап. Мана, ҳар қадамда саксовуллар учрайди-а?! Саксовуллар шимол томонга ҳамиша бироз эгилиб ўсади...

Комил Аваз яна бошқа белгилар ҳақида сўзлай кетди. Бироқ менинг қулоғимга гап кирмас, адашсанг шундай жойда адашгин-да, дея саҳронинг беқиёслигига мафтун бўлган эдим.

Хоразмда:

**Ўти мастнинг ўзи маст,**
**Ўзи пастнинг ўзи нокас,**
деган гап бор экан.

Ана шу гапга амал қилиб Қорақумда гулхан ёқдик. Гулханга ҳар ёқдан саксовуллар келтириб ташладик.

Даврадошимиз, оқин Ораз Қилич Тоғановнинг туркманча қўшиғи хаёлимизни қум барханлари оша узоқ-узоқларга олиб кетди. Бир тан, бир жон ҳисобланмиш туркий халқларнинг тарихий фожеалари, соддаликлари — бировларнинг гиж-гижлаганликларига учиб, бир-бирларига ҳаттоки қилич кўтарганликларининг манзаралари бир-бир кўз ўнгимиздан ўтди. Ораз Қилич шу замин усти, бепоён осмон ости, тинчлик туфайли яйрашини, гуллаб-яшнашини, тиниқлашишини куйларди. Оҳанглар гулдай нафис, сўзлар ханжардай кескир... Ораз Қиличнинг  бутун вужуди фақат товушга айланиб бораётгандай эди.

Даврадошлар: Аваз Утар боғини ташкил этганларидан бири, раҳматли Шавкат Бобожоновнинг ўғли Санжар, укаси Баҳодир Бобожонов, Қадамбой... ҳаммамиз сукутда эдик. Қўшиқ тугагач, Қадамбойнинг сўзларига қулоқ тутдик.

Бу сўзлар ҳам қўшиқдан кам эмасди. Азбаройи, бу сўзларнинг ўзиям бир қўшиқ эди. Қадамбой айтди: барханни чая дерканлар. Чаянинг ҳар тури бўларкан. Қадамбой айтди:

чаяларда ҳар турли ўсимликлар ўсаркан. Чақиш, сўзан. Сўзаннинг тиканли, тикансизи бўларкан. Сазақнинг қора, кўки бўларкан.

Қадамбой айтди: сигир қуйруқ, буржоқ, корачали, оқчали, салин, қумкади, қумарпа, қорамиқ, гувул... жуда кўп экан!

Қадамбой айтди: илгарилари бу ерда ўсадиган ўсимликлардан ҳар хил дорилар, ҳар хил бўёқлар олинишини яхши билишган экан. Ўша бўёқлар асрлар давомида ҳам ҳеч хира тортмас экан.

Қадамбойнинг ҳикоялари бир китоб эди.

Шундан сўнг бошқа мавзуларда сўз кетди. Ҳаммасиям маънавиятга, халқнинг ҳозирги турмушига бориб тақалади.

Санжар гулханга бот-бот саксовул келтириб ташлар, у гуриллаб ёнарди...

# УМРБОҚИЙ ҚЎШИҚЛАР ИЖРОЧИСИ

***Берта ДОВИДОВА — 75 ёшда***

Таниқли хонанда, Ўзбекистон халқ артисти Берта Довидованинг исми ва у куйлаган қўшиқлар санъат шайдоларининг қалбида бир умрга муҳрланиб қолган, десак муболаға бўлмас.

Онахон 1922 йилда Марғилоннинг Баҳрин маҳалласида, деҳқон оиласида таваллуд топган. Отаси Довуд ака серфарзанд, болаларига ниҳоятда меҳрибон инсон эди. Йўлдош Охунбобоев бу оилага қадрдон дўст бўлгани боис республикада биринчи бор Ёзёвон туманида яҳудийлар жамоа хўжалиги ташкил қилиб, Довуд акани раис этиб сайлаганини кекса авлод вакиллари яхши эслашсалар керак...

Довуд аканинг 8 ўғли ва яккаю ягона қизи бор эди. Бертахон гўдаклигиданоқ Худо берган ширали, бетакрор овозга эга эди. Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ ўзбек қўшиқларини ва яллаларини қойиллатиб ижро этарди. Кейинчалик тақдир тақозосига кўра Довуд ака оиласи билан Тошкентга кўчиб келди. Бертахон 1938 йили пойтахтдаги Охунбобоев номидаги тиббиёт техникумини имтиёзли тамомлаб, 3-туғруқхонага ҳамшира бўлиб ишга кирди. Уруш йиллари эса ҳарбий госпиталга хизматга олинди.

— Ўзим тиббиёт ҳамширасиман-у, фикри-ёдим қўшиқ айтишда эди, — деб эслайди онахон ўтмишни. — Отамга, ака-укаларимга билдирмай, ҳаваскорлик тўгарагига қатнашиб турардим. Санъатга ихлосим, ҳавасим вужудимга она сути билан сингган бўлса керак. Ҳамширалик фаолиятимда сеҳрли қўшиқлар менга ҳар томонлама қўл келарди. Госпиталимизга деярли ҳар куни фронтдан оғир ярадорларни келтиришарди. Бирининг қўли, бирининг оёғи йўқ. Ярадорларнинг дард-фиғонларига дори-дармонлардан ташқари қўшиқ билан ҳам малҳам қўйишга тўғри келарди.

Бир куни ўнг қўлидан ажраган ярадор ўзбек йигитининг каравотига ўтириб, қўшиқ хиргойи қилиб турган эдим, кутилмаганда орқа томондан:

— Эй, Довуд аканинг қизи, қўшиқ айтишни ҳам билар экансан-да, қойил қилдинг, — деган овоз эшитилди.

Ўгирилиб қарасам, қаршимда отамнинг қалин дўсти Йўлдош Охунбобоев билан госпиталимиз бош ҳакими турибди. Нима дейишимни билмай эсанкираб қолдим. Жонимга Йўлдош отанинг ўзи оро кирди. У киши бошлиғимизга қараб шундай дедилар:

— Ўртоқ бош доктор, бугундан бошлаб бу қизимизга жавоб берасиз, мен уни ўзим билан олиб кетаман, бошқа ишга жойлаштириб қўяман.

— Хўп бўлади, — деди бош ҳакимимиз.

Йўлдош ота мени Ўзбекистон Радио қўмитасига олиб бордилар. Қўмита раҳбарига таништиргач, алоҳида тайинладилар:

— Ўртоқ бошлиқ! Мен сизга росмана булбулигўё қизни олиб келдим. Уни ишга қабул қилсангиз, асло афсусланмайсиз...

Шундай қилиб, мен тиббиёт ҳамширасидан санъаткорга айландим. Мана, шунга ҳам 53 йил бўлибди. Санъат менга иззат-икром, обрў-эътибор келтирди. 1964 йилда Ўзбекистон халқ артисти деган унвонга сазовор бўлдим. Қўшиқ айтиш сир-асрорларини эринмай ўрганиб, камолга етдим. Қанчадан-қанча ажойиб устозлар кўрдим. Ўзим ҳам кўплаб истеъдодларга мураббийлик қилдим. Яна бир бахтим — ўғлим Асқарали олим. Келиним Зулфияхон ҳам ўқимишли аёл — иккаласи ҳам менга ўта меҳрибон-ғамхўр. Уларнинг ардоғида неваралариминг бошини силаб, тинч-омон ҳаёт кечиряпман.

*Икки оғиз дил сўзи!*

Бертахон опа айниқса, «Муножот» қўшиғини ижро этганда, инсон вужуди сел бўлиб кетарди. «Самарқанд ушшоғи», «Баёт II», «Баёт V», «Насри баёт», «Фиғон», «Дугоҳ» қўшиқлари ҳам кимларни ларзага солмагану ўзига ром этмаган, дейсиз.

Бизнинг Адабиёт ва санъат музейида севимли хонандамизнинг суратлари, қўшиқлари ёзилган пластинкалар, уст-бошлари ҳам ўрин олган. Бу ердан одамларнинг оёғи узилмайди. Сабаби, Берта опа айтган қўшиқларнинг умри боқийдир. Тилагимиз — онахоннинг умри ҳам, қўшиқлари сингари боқий бўлсин.

**Ҳамид УСМОНОВ**

*Тўйхат ўрнида*

# МАЪРИФАТ ТОПГАН ОДАМ

Умр оқар дарё, деганлари рост экан. Ҳамкасбимиз, маданият соҳасининг билимдони, маърифатли инсон Абдурасул Иброҳимов ҳам умр чаманидан бири биридан гўзал элликта гулдаста ясашга мушарраф бўлибди...



Абдурасул Иброҳимов 1985 йилнинг октябр ойида касаба уюшмаларидан вилоят маданият бошқармасига раҳбар бўлиб келганида аҳвол анча мураккаб эди. У ишни ҳар бир катта-кичик жамоа билан учрашиб, ҳол-аҳвол сўрашдан, шарт-шароитлар билан танишишдан бошлади. Иккинчи ихтисослиги иқтисодчи бўлгани боис тармоқларнинг молиявий аҳволини обдон ўрганди, ҳисобчиларни элакдан ўтказди. Бошқарма идорасига жонкуяр ходимларни ишга олди, бошқарув кенгаши таркибига янги кучлар қўшди.

Ҳал этилиши лозим бўлган масалалар жуда кўп эди: қишлоқ кутубхоналари, клубларнинг аксарияти ярим вайрона биноларда жойлашган, уларда китоб жавонлари, мебеллари, техника воситалари ҳам етишмасди. Абдурасул юқори ташкилотлар раҳбарлари олдига масалани кўндаланг қўйди, маблағ ажратишларини сўради. Вилоят маданият ташкилотлари, шаҳар, районлар маданият ишлари бўлимлари раҳбарлари, бошқарма идораси ходимларига ҳам тиним бермади. Улар ҳали Тошкентга, ҳали собиқ Иттифоқнинг турли шаҳарларига зув қатнаб қолишди. Натижада, икки-уч йил ичида ўзгаришлар кўзга ташланди. Бойсун, Сариосиё, Ангор туманлари марказларида замонавий маданият саройлари, Шўрчи ва Жарқўрғонда муҳташам кутубхоналар қуриб битказилди. Денов, Қумқўрғон, Музработда қишки кинотеатрлар ишга туширилди. Бу маданият масканлари зарур жиҳозлар билан таъминланди.

Кейинги ўн йил ичида вилоятда халқ унвонига эга бўлган бадиий ҳаваскорлик жамоалари сони салкам икки бараварга ошиб, 21 тага етди. Етук жамоалар Англия, Туркия, Афғонистонда бўлган халқаро байрамларда, республика кўрик-танловларида муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринга сазовор бўла бошладилар. Кутубхоналараро ўтказилган республика кўрик-танловида вилоят кетма-кет, уч йилки, биринчи ўринни қўлдан бермай келмоқда. Бунда Абдурасул Иброҳимовнинг катта ҳиссаси бор.

Мудом ҳақиқий маърифатга, камолотга интилган дўстимиз ўз умрининг элликинчи жабҳасига етибди. Биз уни қутлуғ ёши билан самимий қутлаб, барча эзгу ниятлари амалга ошишини тилаб қоламиз.

**Даврон ҒУЛОМОВ.**

# НАВОИЙ БАСТАЛАГАН КУЙ

Мутрибий Самарқандийнинг (1556-1630) «Тазкират уш-шуаро» (1605) ва «Нусхайи зебойи Жаҳонгир» (1626-1628) тазкираларидан Алишер Навоий таржимаи ҳоли ҳамда ул зоти шарифнинг ижодкор ва давлат арбоби сифатидаги фаолияти XVI-XVII асрларда шайбонийлар, аштархонийлар даври шоиру адиблари, ҳукмдору амалдорларига ҳам илҳом манбаи, ибрат - намуна бўлиб хизмат қилгани тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган. Муаллиф «Тазкират уш-шуаро» муқаддимасида шоирлар номини абадийлаштирувчи тазкиранавислик соҳасига тўхталаркан, ўзини шундай асар яратишга илҳомлантирганлар қатори Алишер Навоий номини ҳам зўр ҳурмат билан тилга олиб, шундай ёзади: «... ана шундай мўътабар, машҳур китоблар жумласидан бири эса Давлатшоҳ Самарқандий тазкираси бўлиб, ундан кейингиси Амир кабир Алишернинг «Мажолис ун-нафоис» асаридир. Яна бири Аллоҳнинг раҳмат денгизига ғарқ устозимиз ва маҳдумимиз ҳазрат Ҳасанхожа Нисорий Бухорийнинг «Музаккири аҳбоб» номли китоби турур. Ўтганлар равишига эргашмоқ, савобли иш дейдилар. Шул сабаб, бу гуноҳларга тўла, йўқсил камина имкон доирасида замондош шоирлар атоқли отларини бир битик қайдига киритмоққа уриндим».

Мутрибий шоирлиги ва хизмат туфайли ўз даврининг хонлари, кўплаб давлат арбоблари, уларга яқин кишилар билан суҳбатдош бўлган. Тазкиранавис маълумотига қараганда, Алишер Навоий номи юз йилдан кейинги бу ўтириш - суҳбатларда ҳам замондош киши каби тилга олинар, ул зотнинг ёзганлари ва қилган эзгу ишларига эргашиш Навоий замонасидагидек долзарб амаллардан бўлиб қолган экан. Қуйидаги мисол ҳам ана шундан далолат беради.

Маълумки, шайбоний Абдуллохон Иккинчи ўз хонлиги (1561-1598) даврида жуда кўп меъморчилик иншоотлари бунёд эттиради. Уларнинг аксарияти ҳалигача сақланиб қолган. Мутрибийнинг «Нусхайи зебойи Жаҳонгир»да берган хабарига қараганда, қурилиш ишларида бу хонга Алишер Навоийнинг бунёдкорлик фазилатлари ҳам илҳом бағишлаган экан: «Абдуллохоннинг савоб учун вилоятларда қурдирган работ, кўприк, ҳаммом, масжид, сарой, хонақоҳ, мадрасалари сон-саноқсиздир. Мазкур мағфиратли хоннинг мунщийси бўлган ва шу кунларда, яъни 1035 (1626) йилда ҳам яшаб турган Мирзо Мўмин мунший шундай дегандилар: «Сарахс навоҳисида турган пайтимиз, бир кечаси Абдуллохон Ҳазратлари «Қаламни ол ва мен қурдирган ҳайрот биноларининг ҳаммасини — боғлар, мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, кўприклару работлар, ғарибхона, шифохоналардан тортиб, барчасини қоғозга тушир-чи, сони қанчага етган экан?», деб қолдилар... Қисқаси, тонг отгунга қадар хон айтиб турдилар, мен ёзавердим. Айтишдан тўхтаганларида (Мовароуннаҳр, Туркистон, Хоразм, Фарғона, Ҳисор, Хуросон, Балх, Бадахшон) қурилганларнинг барчасини ҳисоблаб кўрсам, 8.600 ва яна нечта ҳам бўлган экан. Шундан сўнг, хон дедиларки, Амир Алишер Султон Ҳусайн Мирзонинг навкари бўлатуриб, ўзидан 1001 бинои хайр ёдгор қолдирди. Биз эсак подшоҳмиз, қурилишлар сонини 10.000 тага етказмасак, юрган эканмиз подшоҳ бўлиб. Ушбу йилдан сўнг хон яна 8 йил умр кўрдилар ва ҳар йили янги-янги иморатлар қурдирдилар, ким билади, балки хон айтганидек, қурилган иморатлар сони ўн мингтага етгандир ҳам».

Абдуллохон Иккинчининг суянган амирларидан бири ва унинг ўғли томонидан 1598 йили қатл этилган Қулбобо Кўкалтошга эса Алишер Навоий сиймоси ижодкор сифатида илҳом манбаи бўлган. Мутрибий ҳар иккала тазкирасида ҳам бу амир Муҳиббий тахаллуси билан ўзбекча ва форсча шеърлар ёзгани, ижодини бир девонда жамлагани ҳақида маълумот беради ҳамда ўзбекча шеърларидан намуналар келтиради. Қулбобо Кўкалтошнинг адабий фаолияти тўғрисида «Нусхайи зебойи Жаҳонгир»да ушбу хабарлар ҳам ҳавола этилган: «Фузалопарвар киши эди, ўзида ҳам кўп илму санъат жам эди. Замондош ва бошқа шоирлар шеърларини йиғиб, Амир кабир Алишернинг «Мажолис ун-нафоис»и муқобилида (демак, ўзбекча — И. Б.) бир китоб тартиб бермоқчи эди. Начора, Худойи таоло хоҳламаган экан, бу иш юзага чиқмай қолиб кетди».

Мутрибийнинг манави маълумоти эса Алишер Навоий хонадонига мансуб бир авлод шажарасига аниқлик киритиш учун хизмат қилади: «Тазкират уш-шуаро»да Бадрий тахаллуси билан шеър ёзган «амирлар натижаву самараси» Фўлодхожа ибн Девонахожа ҳақида маълумот бераркан, унинг ўз вақтида Абдуллохон Иккинчининг укаси Ибодуллохон султоннинг амирларидан бўлгани, 1605 йили эса Касби туманида ҳоким бўлиб турганини ёзади. «Нусхайи зебойи Жаҳонгир»да Фўлодхожа бин Девонахожа Бадрийнинг Насаф вилоятига қарашли Касбида туғилгани, тазкира ёзилаётган 1037 (1628) йили Самарқандда шайхулислом мансабида тургани, уни бу лавозимга аштархоний Имомқулихон (1611-1642) тайинлагани ва шу кунларда Бадрийнинг гоҳ Самарқанд, гоҳ Бухоро ва гоҳ Касбида яшаб тургани ҳикоя қилинади. Кейинги тазкира маълумотномасида Мутрибий биз учун қизиқ ушбу фактни ҳам илова этган: «Фўлодхожа шайхулислом ҳазрат Девонахожанинг етук ўғлидир, алар эса абдол жумласидан бўлмиш ва Амир кабир Алишер аҳволидан бир бўлагини «Мажолис ун-нафоис» китобида анбар исли қалами билан рақам қилган Амир Ҳайдар кабирнинг мажид авлодидандирлар»... «Мажолис ун-нафоис»даги амир унвонли ва қаландарликни ихтиёр этган Амир Ҳайдар фақат битта киши — амир Ҳайдар Сабуҳийдир (Бу ерда гап иккинчи мажлисдаги Мир Ҳайдар маҳзуб ҳақида бораётгани аниқ, чунки у киши ёшлигидаёқ ақлдан озган ва амирлик мансабида турмаган). Алишер Навоийнинг тоғаси Мир Саид Кобулийнинг ўғли Мир Ҳайдарнинг оилавий аҳволи — унинг бола-чақасига эга бўлгани ҳақида Хондамир аниқ маълумотлар беради. Бироқ Фўлодхожанинг «хожа»лик насабига қараганда, афтидан, Амир Ҳайдар авлодининг қайсидир бўғинида қиз фарзандлар хожалар авлоди билан чатишиб, Девонахожалар дунёга келганлар. Чунки Алишер Навоий она томонидан амирлар хонадонига мансуб, тоғаларининг номи кетидан эса «хожа» сўзи келганини ҳозирча манбаларда учратмадик. Демак, Навоийга қариндошлик нисбати бор бу хожалар авлоди ҳам амир ва ҳам хожалар насабига мансуб бўлиб, орасида «Мир Ҳайдар авлодлари» деган ном билан танилганлар. Мутрибий китобидаги бу маълумот билан Жаҳонгир подшоҳ ҳам танишади ва ҳузурида меҳмон бўлиб турган муаллифга шундай дейди: «... Фўлодхожа шайхулислом зикрини ҳам ўқидик, алар олийҳимматли хожа эрканлар. Аммо илтифот нурлари бу томонларга сира-сира тушмаган ва бу фақирни биронта Самарқанд олмаси билан ёд этмаганларидан кейин бизга нима фойдаси бор? Сиз бизнинг ушбу гинамизни албатта ул ҳазратга етказинг».

Хуллас, Жаҳонгирдек подшоҳлар бир бор кўришни орзу қилган ана шу Фўлодхожанинг қайсидир бир қариндошлик томири Алишер Навоийга бориб уланади ва бағрида бу хонадон вакилларидан бошқа буюк зотларни ҳам етиштирган Касби уларга кўп асрлар азиз ватан бўлиб келган. Балки бугун ҳам Алишер Навоийга қондош-жондош авлодлар бу ерда яшаб тургандирлар.

«Нусхайи зебойи Жаҳонгир»га илова қилинган хотимада Жаҳонгир саройида 1626 йил ноябри ва 1627 йил марти оралиғида кечган воқеаларни тасвирловчи, 1627 февралида ёзила бошлаган кундаликларда эса ҳазрат Навоийнинг мусиқа соҳасидаги фаолиятига аниқлик киритувчи муҳим бир маълумотга дуч келамиз. Мутрибий най, доира ва бошқа мусиқа асбобларини маҳорат билан чалувчи созанда, хушовоз хонанда ҳам бўлган. У Жаҳонгир подшоҳ илтимосига биноан доирада бир қанча янги куйларни чалиб беради, улар орасида асосан устози Али Ноий куйларини кўпроқ ижро этади ва подшоҳ олқишига сазовор бўлади.

Муаллиф Алишер Навоий яратган бир куй ҳақида ҳам қуйидагича маълумот бериб ўтади: «Баъд аз он дар оҳанги «Сегоҳ» нақше ба усули «Даври шоҳий»дар услуби «Нақши Нозу ниёзи Султон Ҳусайн Мирзо» Амир Алишер ки, дар оҳанги «Ҳусайни» баусули «Турки зарб» бастаанд, устоди мазкур низ доранд, онро низ гуфтам...» (Таржимаси: Шундан сўнг «Сегоҳ» оҳангида, Амир Алишернинг «Ҳусайний» оҳангида «Турки зарб» усули билан Султон Ҳусайн Мирзонинг «Нозу ниёз» ғазалида боғлаган ва мазкур устод (Али Ноий) да ҳам бор нақш услубидаги бир нақшни «Даври шоҳий» усули билан ижро этдим».

Хулоса қилиб айтганда, Мутрибий тазкиралари Навоий вафотидан бир асрдан кўпроқ вақтдан кейин ёзилганига қарамай, буюк шоир таржимаи ҳолига доир нодир маълумотлар, XVII асрда халқимизнинг ҳазрат Навоийга бўлган эъзозу эҳтироми нафасини олиб келган қимматли манбалардандир.

**Исмоил БЕКЖОНОВ,**
**филология фанлари номзоди**

# «МЕН САНЪАТНИ ЎЗИМДА СЕВДИМ»

***Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марям Ихтиёрова билан суҳбат***

**— Марям опа, аввало, санъат оламига кириб келишингиз, устозларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз?**

— Болалик чоғларим деярли ҳар бир уйда радиодинамиклар бўларди. Мен улар орқали бериладиган радиопостановкаларни, турли эшиттиришларни жон қулоғим билан тинглардим. Ўша кезлар ёшлар ўртасида Ҳиндистоннинг «Дайди» филмига қизиқиш катта эди. Мен Уйғуннинг «Учрадингу гулзор ичинда...» деган сатрлари билан бошланувчи қўшиғини ўзимча шу филм куйига солиб, куйлаб юрардим. Ногаҳон вилоятларни кезиб, ёш истеъдодларни саралаётган Гавҳархоним Раҳимованинг назарига тушиб қолдим. Натижада у киши бошчилигида тузилган 25 кишилик ансамбл сафига қўшилдим. Вилоятлараро мусобақада қатнашдим, сўнг Москвада бўлган VI Жаҳон Ёшлари фестивалида иштирок этдим. Ансамблимиз кумуш медал совриндори бўлди. Фестивалдан қайтгач, филармония тасарруфига ўтказилди. Мен икки йил давомида ҳам қўшиқ айтдим, ҳам рақс ижро этдим. Шунданми, Гулсара Ёқубова билан мени Санъат институтининг мусиқали театрлар учун актёрлар тайёрлаш факултетига имтиҳонсиз ўқишга қабул қилишди.

1959 йилдан эътиборан Муқимий номидаги театрда иш бошладим. Менга аввал Гавҳархоним Раҳимова, сўнг ҳассос актёр ва режиссёр Раззоқ Ҳамроев том маънода устозлик қилишди. Бундан ташқари, театримизда ишлаб ижод қилган таниқли актёрлар Лутфихоним Саримсоқова, Эътибор Жалилова, Фароғат Раҳматоварлардан саҳна ҳаётини, мусиқа ва қўшиқ куйлаш сир-асрорларини ўргандим.



**— Устозларингиз қаторида машҳур санъаткор Раззоқ Ҳамроевнинг номини ҳам тилга олдингиз. Бундай буюк истеъдод соҳиби билан ёнма-ён ишлаш сиз учун катта бахт бўлган бўлса керак.**

— Ҳа, Раззоқ ака ажойиб инсон эди. Биз ҳурмат билан «Домла» деб атардик. У кишига таъриф берганда актёр, режиссёр, драматург, педагог, Давлат мукофоти совриндори, профессор деган сўзларни ҳам қўшиб айтиш жоиз. Раззоқ аканинг «Шаҳзода билан етим қиз» сценарийларини ҳам саҳналаштирганмиз. Иккимиз саҳнада ота-бола бўлиб ўйнаганмиз. Ҳаётда ҳам менга ҳақиқий оталик қилганлар. Яхши кўрганларидан, ҳатто «Сени келин қиламан», деб юрардилар. Кези келганда, Бахтиёр ака мени хафа қилганларида, уларни шапалоқлаб ҳам юборганлар.

«Икки билакузук» спектакли репетицияси пайтида бетоб эдим. Устига устак, янги турмуш қурган, институт ётоқхонасида истиқомат қилардик. Раззоқ аканинг ўзи енгил машинада келиб мени репетицияга олиб борганлар. Устозимиз шунақа беғубор, болаларча содда, камтар, бағрикенг киши эдилар.

**— Бир суҳбатимизда «Холисхон» спектаклини учинчи бор қайта саҳналаштирганимизда Мастура сатанг ролини ўйнадим. Лутфихоним аядан сўнг бу ролни ижро этиш менга жуда оғир бўлган», дедингиз. Айтинг-чи, Ая ижро этган қайси роллар Сизга илҳом бағишлаган?**

**— Аяжонимиз росмана хазинага ўхшардилар. «Нурхон»да Кимё хола ролини ижро этганларидан кейин ҳаммамиз у кишини Ая деб атай бошладик. Аянинг жуссалари аслида кичик бўлса-да. Мастура сатанг ролида менинг кўзимга жуда баҳайбат кўринардилар. Мен ҳам Мастура сатангни ўйнаётганимда, уларнинг талқинларидан фойдаланганман.**

Ая фарғоналик бўлганлари учунми, ҳазил-мутойиба қалбларидан гўё қайнаб чиқарди. Ҳар доим кўзларида сурма, қулоқларида бир шода райҳон, қошларида ўсма бўларди. Кулмангу, қалампирмунчоқ билан хўрозқанд, жону диллари эди. Сора Эшонтўраева, Яйра опа, Лизахоним, Учқун Ғаниев, Гавҳар Раҳимова уларга доим ана шу яхши кўрган нарсаларини олиб боришарди. Сўнг ҳаммалари бир-бирларига қараб, қийқириб кулишарди. Бунинг тагида бирон сир бормиди, билолмадим. Бир борганимизда Ая Боир Холмирзаевга қараб, «Мен сизни севиб қолдим», дея ҳазиллашдилар. Боир ҳанузгача шу гапни бот-бот эслаб, «Менга буюк санъаткорнинг меҳри тушган», деб юради.

**— Сизнингча кекса авлод актёрлари билан ҳозиргилари орасида қандай фарқ бор?**

— Нима дейишгаям ҳайронман. Бизлар анча-мунча содда эдикми, самимиймиди... Ўқиган кезларимизда устозларимиз режиссёр Станиславскийнинг «Актёр бўламан деган одам аввало девона бўлиши керак», «Сен ўзингни санъатда севма, санъатни ўзингда сев» деган гапларини тез-тез эслатиб туришарди. Биз янги асарни қўлга олганда, янги рол ижросига киришганда ўзимизни 1-синф ўқувчисидек ҳис этардик. Ҳозиргилар институтни битириб ишга келишлари заҳотиёқ гап-сўзларида, юриш-туришларида ўзгариш сезилади. Кўплари ролни ясама, юзаки ўйнайди. Лекин ораларида иқтидорлилари кўп. Фақат улар ўз устларида жуда кўп ишламоқлари даркор.

**— Театрда сиз ҳавас қилган ёш актёрлар борми?**

— Энг яхши кўрган шогирдларимдан яқиндагина Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлган Зулайҳо Бойхонова, шунингдек, Мақсуда Отажонова, Насриддин Рустамов, Ҳамид Тўхтаев каби ёшларга ҳавас билан қарайман. Уларнинг келажаги янада порлоқ бўлишини истайман.

**— Марям опа, сиз узоқ йиллардан буён Бахтиёр Ихтиёровдек ёрқин истеъдод соҳиби билан ҳамнафас, ҳамфикрсиз. У киши Сизнинг ижодингизга қандай муносабатда бўлганлар?**

— Бахтиёр Ихтиёров бир умр ўқиб чарчамаган, ўз тенгдошларидан илгарилаб кетган санъаткор. Биз курсдош эдик, кейин турмуш қурдик. Улар менинг меҳнатсеварлигимни, тиришқоқлигимни қадрлардилар. Менга ҳар томонлама ёрдам берганлар, актёрлик маҳоратимнинг ошишига кўп ҳисса қўшганлар.

**— Баъзи бир актёрлар билан гаплашсангиз, гоҳида улар «Ҳозир мен сукут давридаман» деган иборани ишлатишади. Сизда ҳам шунга ўхшаш ҳолатлар бўлганми?**

— Йўқ! Мен сўнгги йиллардаги ижодимдан ҳам хафа эмасман: Ҳайдар Муҳаммаднинг «Ҳар кимки вафо қилса...» спектаклида Бобурнинг онаси, Насрулло Қобул сценарийси асосида саҳналаштирилган «Иброҳим алайҳиссалом таваллудлари» асарида Омина, Рустам Маъдиевнинг «Девона» спектаклида Жамила ролларини ижро этдим.

**— Фарзандларингиз орасида сизларнинг йўлингизни танлаганлари борми?**

— Айнан театр соҳасини танлашмаган, аммо санъатни бутун борлиқлари билан севишади. Қизим Ҳумора яқинда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлди. У «Зарафшон» ансамблида рақкоса. Ўғилларим Дониёр ва Элёр тижорат ишлари билан банд бўлишса-да, қўшиқ айтишади.

**— Ҳозир айтадиган саволни берсамми-бермасаммикан деб узоқ ўйладим. Кейинги пайтда «Водиллик келин», «Ким жинни», «Бувимни топиб беринг», «Карахтлик» каби филмлардаги ролларингиз мухлисларингизни мамнун этди. Нега авваллари кинода рол ўйнамагансиз?**

— Театрдан кўнгил узолмаганман. Бир пайтлар театрда бир ойда 40та спектакл қўярдик. Кинода қатнашиш учун театрдан, бир оз бўлса-да, чекиниш керак эди.

**— Ҳозир қандай образни яратиш устида ишлар олиб боряпсиз?**

— Театримиз Толиб Ҳожиевнинг «Қари бўйдоқларга маслаҳатлар» комедиясини саҳналаштиряпти. Мен унда Таннозхон ролини ижро этаман.

**— Ижодий ишларингизда муваффақиятлар тилайман.**

— Раҳмат.

**Суҳбатдош: Маъмура НАБИЕВА**

# САНЪАТКОРНИНГ КИТОБИ




Гапнинг сирасини айтганда, санъаткорлар ичида қўлига қалам олиб, ёзадиганн ниҳоятда кам. Чунки шундоқ ҳам санъаткорнинг бирор дақиқа бўш вақти, холи пайти топилиши қийин. Уларнинг иши ижод қилиш, халққа завқ-шавқ, маънавий озиқ улашишдир. Лекин, барибир, шундай тиғиз шароитда ҳам, ҳар қандай иш орасида вақт топиб, ёзмаса туролмайдиган санъаткорлар учраб туради. Бундайлар, тўғрисини айтганда, газета-журналлар учун ҳам, кўпсонли муштарийлар учун ҳам қадрлидир. Чунки улар кимлардандир эшитганларини эмас, балки кўрган-билганларини, ўзлари гувоҳ бўлган воқеаларни ёзадилар.

Халқ артисти, давлат мукофотлари совриндори, ажойиб санъаткоримиз Зикир Муҳаммаджоновни ана шундай қаламкаш санъаткорлар сирасига киритишни истардим. Мана неча йиллардан буён Зикир ака газетамизда ўзининг театр санъати намояндалари ҳақидаги ажойиб мақолалари, эсдаликлари, ёдномалари билан қатнашиб туради.

*доимий ҳамроҳ*

Яқинда «Ёзувчи» нашриётида санъаткорнинг «Таъзим» деб номланган китоби чоп этилди. Китоб икки бобдан иборат бўлиб, биринчи бобида санъаткор ўзининг ижод йўли ҳақида ҳикоя қилади. Иккинчи бобда эса ўзбек миллий театр санъатининг дарғалари — Ҳожи Сиддиқ Исломов, Миршоҳид Мироқилов, Ғани Аъзамов, Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурхонов, Обид Жалилов, Маъсума Қориева, Шоҳидахон Маъзумова каби актёрлар ҳақидаги хотираларини тўлиб-тошиб ўртоқлашади. Ўйлаймизки, бу китоб театр санъати мухлисларининг эътиборини қозонади.

**Г. УМАРОВА**

